

ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 220 (4511).

6

НОВАБРЬ

ПАИШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

● Октябрь байрами—меҳнат, зафар байрами ● Улуғ айёмни ленинча меҳнат вахтасида, пахта далаларида улкан ғалабалар билан нишонлайлик.



ЯНГИ ДУНЁ ТУҒИЛГАН КҮН

1917 ЙИЛ, 25 ОКТЯБРЬ!

Бу кун тунгида Россия осмонда озодлик кўшиги барқ уриб чиқди. Бу нурли тоғ асрлар оша эрк ва ҳуррият учун қон тўкиб келган жаҳон мазлум халқларининг кураш йўлини мунаввар этди. Уша тунгда олам узра наъра тортган афсонавий «Аврора» тўпларининг садолари янги дунё туғилганидан, инсоният тараққиётида туб бурилиш бошланганидан дарак берди. Шу бондан бу тарихий кун жаҳон солномасининг зарварига абадул абад муҳрлаб қўйилган.

Россия ишчилари ва деҳқонлари буюк доҳий Владимир Ильич Ленин асос солган ва воқта етказган Коммунистик партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини таъминлаб, оламшумул аҳамиятга эга бўлган вазифани адо этдилар. Октябрь революцияси инсониятни капитал зулми исқанжасидан халос этиб, дунёни революцион тарзда ўзгартиш ва коммунистик жамият қуришга ўттиш даврини бошлаб берди.

Октябрь ишининг тарихий зарурлиги, ҳаққонийлиги, революцион кучи ва истиқболлиги бизнинг чинакам халқ ҳоқимиятимиз — социалистик давлатимизнинг ярим асрлик таърибаси ёрқин кўрсатиб турибди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида дунёда биринчи социалистик жамият барпо этди. Ватанимиз қудратли илҳурият давлатга айланди, янги кишилар воқтага етди, янги социалистик муносабатлар қарор топти. Қисқа вақт ичида шу қадар юксакликка кўтарилдикки, серқирра ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида эришяётган нисбатсиз ютуқларимиз жаҳонни ҳайратга солимоқда, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси ошиб, социалистик тузумнинг зўр илҳомбахш намунасини зўр ўзини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши 1968 йилга келиб, 1913 йилга қараганда 73 баравар ўсди, эндиликда Совет Иттифоқи жаҳон саноат маҳсулотининг деярли бешдан бир қисmini етказиб бермоқда. 1913 йилда эса Россия зиммасига дунё маҳсулотининг 4 про-

центдан ҳам камроғи тўғри келар эди. Советлар дийрида қардош халқлар ва элатларнинг теги хуқуқли, ҳамдуст оиласи қамолга етди. Шу аҳил оиланинг бир аъзоси бўлган ўзбек халқи ҳам Октябрь кўшиги ёғдуларидан баҳра олиб, Совет ҳоқимияти йилларида тараққиёт сари юксак парвоз қилди.

Бугунги Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти бениҳоя ривож тогган, аҳолиси ёппасига саводхон, шаҳар ва қишлоқлари Ильич нурларидан чаргон ўлкадир. Бугунги Ўзбекистон Шарқда социализм машъалдир.

Республикаимизда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1924 йилга нисбатан 78 баравар ўсди. Ўзбекистон Иттифоқимизнинг икки процент территориясининг эгаллагани ва аҳолисининг 4,6 процентини ташкил этгани ҳолда саноат маҳсулотларини четга чиқаришда қардош республикалар ичда учинчи, ўн турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Юксалиш суратларимиз шу қадар тез!

Совет халқи жонажон партияимизнинг доно етакчилигида ҳозирги кунда коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақият билан амалга оширмоқда. КПСС Программаси, партия XXIII съездида халқимиз олдида қўйилган улкан топириқлардан бирин-кетин ҳал этилмоқда. Бешйилликнинг уч йили ичда мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 29 процентдан ортиқроқ ўсди. Бу бешйиллик план бўйича партия директиваларида кўрсатилган суръатдан анча юқоридир. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам эришяётган зафарларимиз беҳисоб.

Келаси йили кўламинида бутун совет халқи, ер юзидagi тараққийпарвар инсоният Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини байрам қилади. Ҳозир—Улуғ Октябрнинг шонли 52 йиллиги байрам қилинаётган шу кунларда—юбилейли тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан қизиб кетди. Юбилей шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси тобора

авж олдирилмоқда. Совет халқининг меҳнат ва сиёсий активлиги кучайиб бормоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида қўлга киритилаётган меҳнат зафарларимиз шундан далолат бериб турибди.

Улуғ Октябр овози бугун Иттифоқимиздаги зарбдор қурилишларда, улкан домналарнинг қуриш йиллиги ҳароратида, нефтькоримиз, гуруримиз бўлган «оқ олтин»имизнинг майини жилавасида, ватандошларимизнинг юлдузлар оша баланд парвозида, қўйинчи ҳар соҳада, ҳар жабҳада қаҳрамонлик симфониясига ҳамоҳанг бўлиб лигнрамоқда. Меҳрибон устозимиз Лениннинг, янги давр қўлфига қалит солган Улуғ Октябрнинг оташ нафаси поёисиз Ватанимиз узра халқимизни меҳнат ва жасоратга чорлаб, мардонавор кезиб юрбди.

Ленин ва Октябрь! Бу икки сўзнинг маъносини бир, этизақ, тарих саҳифасида урин ёзма-ён. Чунки, бу икки сўз жаҳонни революцион тарзда қайта қуришнинг беқийс рамзи бўлиб қолди. В. И. Ленин даҳоси туғайли ғалаба қозонган Октябрь революцияси дунёдаги барча мамлакатларнинг мазлум халқлари тақдирига зўр таъсир кўрсатди. Эндилкида Ленин ва Октябрь ишининг ҳаётлилиги, ҳаққонийлиги ва тараққийпарварлиги замонамизнинг уч революцион кучида — жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий-озодлик ҳаракатининг империализмга қарши муштарак мақсадлар йўлида олиб бораётган курашда ўз ифодасини топтомоқда. Октябрь жаҳон халқларини абадий уйқудан уйғотди, уларга ҳақ-ҳуқуқ, миллий ва социал тегилик, эрк учун кураш йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл—Октябрь зафаридан кейин совет халқи биринчи бўлиб босиб ўтган, марксизм-ленинизмнинг ҳамини ғолиб ва ҳаётибахш таълимоти мунаввар этиб турган шонли йўлдир.

— ЯШАСИН ЖАҲОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ — ЖАҲОННИ РЕВОЛЮЦИОН ТАРДА ЯЛПИ ЯНГИЛАШ, КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 5 НОВАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан буён машинада терилгани.

Оққўрғон	1,14	82,57	0,69	69,68
Янгийўл	1,03	81,02	1,68	48,05
Урта Чирчиқ	0,95	66,71	0,51	45,84
Юқори Чирчиқ	1,86	65,33	1,47	62,49
Оржоникидзе	1,05	65,06	—	45,90
Бекобод	1,44	56,16	1,18	26,58
Бука	1,03	54,42	0,63	32,76
Область бўйича:	1,15	68,46	0,73	47,47

тонна ўғун



ОҚҚЎРҒОН районидagi Навоий номили колхоз пахта далаларида меҳнат авжиди. Колхознинг илгор механизатори Исмоил Қосимов йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бери илгорликни қўлда бериб келмоқда. Унинг мақсади мавсумда 100 тоннадан ошриб пахта теришдир. Суратда: Н. Қосимов.

А. Абалин фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

Техника жараёни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан. Магнитогорск металлургия комбинати коллективи бошлаган ташаббусга қўшилиб меҳнат қилаётган В. И. Ленин номи Бекобод металлургия заводи меҳнаткашлари йил сайини ажайиб ютуқларини қўлга киритмоқдалар.

Яқинда корхона прокатчилари беш йиллик мажбуриятини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Прокат хехи коллективи беш йиллик давомида планга қўшимча равишда бир неча минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берган эди. Бу мажбурият муддатидан анча олдин муваффақиятли адо этилди.

Ҳозирги кунда прокатчилар

МАЖБУРИЯТИ

Ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуриддинов бошлиқ бригада аъзолари беш йиллик охиригача 7 минг тонна прокат тайёрлаш юзасидан қўшимча мажбурият олди. Бошқа коллективлар ҳам бу новаторларга эргашмоқдалар.

Мартен цехида қўлга киритилган ютуқлар ҳам қувончли бўлаяпти. Цехда ой сайин пўлат қуйиш плани муваффақиятли адо этиб келинапти. Ахтем Желилов бошлиқ бригада аъзолари пландйи ташқари бир неча минг тонна пўлат қуйиб бериш учун курашмоқдалар.

Корхонада жорий этилаётган йилгиликлар ва ишчилар меҳнати туғайли маҳсулот реализация қилиш тўғрисида ойлик плани 103,9 процент адо этилди. Октябрь ойини топириги ҳам муваффақиятли бажарилди.

ОХУНБОБОВЕ НОМИ КОЛХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

БЕКТЕМИР, (телефон орқали олинди). Улуғ Октябрь байрамининг 52 йиллиги арафасида Урта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхоздан ғалаба рапорти келди. Колхоз йиллик плани 100,1 процент адо этди. 1520 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 26 центнердан, жами 3930 тонна «оқ олтин» йиғиб олинди.

Планин муваффақиятли бажаришда йиғим-терим ишларининг тўла механизациялаштирилганлиги катта роль ўйнади. Машиналар билан 2540 тонна пахта терилди, бу соҳадаги план 95 процент бажарилди.

Меҳнат соҳасида катта ютуққа эришилган қувончли кунда қишлоқ меҳнаткашлари ўз «загори нема»ларини моҳирлик билан бошқарган, шу кунгача 105 тонна пахта терган Маҳкам Турсулоев, 94 тонна пахта терган Абутолиб Гулматов ва шуларга яқин натижаларга эришган Мажид Оқбоев, Мўйдин Парпиев, Рўзбой Ботиров, Рўздат Дўсов, Қўни Бекенов, Эртагир Турсулоев, Нурумухаммад Қолжонов, Турғун Эгамбердиев, Тошхўжа Дилмуров ва бошқа-

ларнинг номини фахр билан тилга оладилар. Колхозда С. Умарова, Ф. Нарзуллаева, Г. Матдиева, К. Тураҳўжаева, Х. Анорова каби кўпмингкилограммчилар зўр гайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Пахта учун курашда А. Мирзахмедов, К. Нўлдошев, О. Шермбетов, Б. Турдиқулов, К. Рискиев, Т. Исроилов ўртоқлар раҳбарлик қилган бригадалар бу йили мураккаб об-ҳаво шароитида меҳнат намуналарини кўрсатдилар ва йиллик планин анча ошириб адо этдилар.

Колхозда тўғш, жуш, туҳум сотиш планлари ҳам ошириб бажарилди ва чорва қишлоғига пухта тайёргарлик қўриб қўйилди.

Колхозчилар даладаги ҳосилни чама-лаб, яна далагга 500 тонна пахта сотиш, гектаридан олиннадиган «оқ олтин»ни 29 центнерданга етказишга қарор қилдилар.

—Бизнинг бу соҳадаги эришган ютуқларимиз,— дейди колхоз раиси Миразиз Рўзиматов,—Октябрнинг 52 йиллигига ва улуғ доҳийимиз Лениннинг 100 йиллик тўғига совғамиз бўлади.

● ПАХТА УЧУН КУРАШ— УМУМХАЛҚ ИШИ ● ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК ● ИШДА ЖАСОРАТ, УЮШҚОҚЛИК, МАҲОРАТ, ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТАЙЛИК

